ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 11 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

ПРОФИЛАКТИКА — ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ ОМИЛ

К. Сейтназаров

М.Казахбаев

Узбекистон Республикаси

ФВВ Академияси тингловичлари Майор.

https://doi.org/10.5281/zenodo.24059442

Анотация. *Бу мақолада фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда муҳим омил — профилактика ҳақида сўз етилган.*

Калит сўзлар: *фавқулодда вазиятлар, профилактик, ёнғинлар ва турли кўнгилсиз ҳодисалар.*

Фавқулодда вазиятлар, ёнғинлар ва турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда профилактик тадбирларнинг ўрни беқиёс. Чунки ҳар қандай бахтсиз ҳодиса содир бўлгандан кейин унинг оқибатларини бартараф этишдан кўра, унинг олдини олиш анча самарали ва муҳим ҳисобланади.

Шу боис аҳоли ўртасида хавфсизлик маданиятини шакллантириш, фуқароларнинг фавқулодда вазиятлар бўйича билим ва кўникмаларини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли профилактик ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ҳамда аҳоли хонадонларида ўтказилаётган тушунтириш ва тарғибот тадбирлари орқали фуқароларга хавфсизлик қоидалари етказилмоқда.

Профилактик тадбирларнинг самарадорлиги фақат масъул идоралар фаолиятига эмас, балки ҳар бир фуқаронинг масъулияти ва фаоллигига ҳам боғлиқ.

Ота-оналар фарзандларига ёнғин, электр токи, газ ва сув билан боғлиқ хавфсизлик қоидаларини ёшлигидан ўргатиши, уларни назоратсиз қолдирмаслиги керак. Таълим муассасаларида эса ўқувчиларга фавқулодда вазиятлар вақтида тўғри ҳаракат қилиш тартибларини мунтазам тушунтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари, масъул ташкилотлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

Ўзаро ҳамжиҳатликда амалга оширилган профилактик ишлар орқали хавфли ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хавфсиз ҳаёт ўз-ўзидан таъминланмайди.

Бунинг учун ҳар бир инсондан ҳушёрлик, масъулият ва хавфсизлик қоидаларига амал қилиш талаб этилади.

Унутмайлик, профилактика — шунчаки огоҳлантириш эмас, балки инсон ҳаётини асраш, оилалар осойишталигини таъминлаш ва жамият хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим фаолиятдир. Зеро, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — ҳар биримизнинг бурчимиз!